

ISLAM IN UZBEKISTAN IN THE YEARS OF INDEPENDENCE: THE COMBINATION OF RELIGIOUS POLITICS, NATIONAL AND RELIGIOUS VALUES

Alisher Aloxunov

Senior Lecturer, Department of World History, Fergana State University,
Doctor of Philosophy in History (PhD)

Abstract: In this article the struggle against Islam religion in period on Tsar Russia and in leaps and bounds developed in total soviet period are described. It is emphasized, that in years of the Independence this policy was total eliminated in all spheres of social life and now national and religious values are combined.

Key words and expressions: Islam religion, religious rituals and traditions, Turkestan Illuminators, Eyd al Ramadan, Eyd al Kurban, Navruz, Central Asia.

Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгандан сўнг истиқлол йилларида миллий маданиятимиз ва маънавиятимиз сарчашмаларидан бири бўлган ислом дини ҳамда диний қадриятларни тиклаш йўлида қатор диққатга сазовор амалий ишлар амалга оширилди. Истиқлол йилларида диний қадриятлар ўзбекларнинг миллий ўзлигини англашида ўзига хос аҳамият касб этди ва кундалик ҳаётнинг ҳам ажралмас қисмига айланди. Айнан мустақиллик йилларида яқин ўтмиш тарихимиз бўлган шўра даврида кундалик ҳаёт тарзидан чиқариб ташлашга ҳаракат қилинган кўплаб миллий диний маросимлар, анъана ва урф-одатлар халқ ҳаётига қайтди. Шубҳасиз, бу борада уларнинг кўплари ҳатто давлат миқёсидаги байрамлар тарзида нишонланадиган бўлди. Жумладан, айнан истиқлол йилларида Наврўз байрами, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари давлат миқёсида дам олиш кунлари, деб эълон қилинди. Ўзбекистонда мазкур икки улуғ байрам муносабати билан ўтказиладиган турли маросимлар, урф-одатларни бажариш кенг тарқалди. Жумладан, икки ҳайит олдидан кўча ва ҳовлиларни ободонлаштириш, маҳаллаларда ҳашар ўтказиш йўли билан атроф-муҳитни тозалаб, дарахт ва кўчатлар экиш, байрам кунлари ота-она, яқин қариндошларни зиёрат қилиш, кексалар ва беморлар ҳолидан хабар олиш, уларга совға-салом бериб, кўнгилларини кўтариш, муҳтожларга мурувват кўрсатиш ўзига хос миллий ва диний қадриятлар уйғунлашувига айланган.

Бу ўринда айнан диний ўзликни англаш қандай кечди, диний ўзликни англашда қандай сиёсий таъқиблар ёки курашлар бўлган деган саволларнинг пайдо бўлиши шубҳасиздир. Шу боисдан мустақиллик йилларида ўзбекларнинг диний ўзликни англашлари ва исломий қадриятларнинг қайта тикланишини таҳлил этишдан аввал яқин ўтмиш тарихимизда олиб борилган диний сиёсат ва ўзбекларнинг анъанавий турмуш тарзида диннинг тутган ўрни ҳамда диний ўзликни англаш билан боғлиқ жараёнлар тарихига тўхталиб ўтсак.

Ўзбеклар орасида миллий ва диний ўзликни англаш билан боғлиқ тушунчаларнинг кенг ёйилиш жараёни, асосан, XX асрнинг бошларида минтақада кенг ёйилган жаҳидчилик ҳаракати билан боғлиқдир. Таниқли америкалик олим Адеб Халиднинг ёзишича, яшаш учун курашда муваффақият қозонмоқ учун миллат, аввало, ўз-ўзини англаши ва тараққиёт йўлига чиқиш ҳамда ўзлигини муҳофаза этиши муҳим аҳамият касб этади. Айнан мазкур қараш XX асрнинг бошларида яшаб ижод қилган Туркистон маърифатпарварлари томонидан ўзликни англаш масаласини янгича тарзда, турли хорижий мамлакатларда оммалашаётган миллий ўзликни англаш интилишларига уйғун тарзда, талқин этишларига сабаб бўлди [2]. Лекин, афсуски, шўра даврида олиб борилган атеистик сиёсат натижасида ислом дини ва диний маросимларга расмий ҳукумат томонидан салбий муносабат билдирилди ҳамда кўплаб диний анъаналар тақиқланди. Бироқ XX асрнинг 80-йилларида мамлакат бўйлаб бошланган

қайта қуриш сиёсати ва миллий зиёлиларнинг ҳаракати туфайли миллий ҳамда диний анъаналар маданий мероснинг ажралмас қисми тарзида эътироф этилди.

90-йилларда минтақада ислом омили фаоллашди. Бу ҳолатнинг қатор сабаблари бўлиб, унинг асосийларидан бири коммунистик мафкуранинг емирилишидир. Иккинчидан, тарихий ва маданий илдизлари дин билан боғлиқ бўлган ўзбек халқининг диний ўзликни англаш ҳисси ривожланди. Учинчидан, жамият ҳаётида бир тузумдан бошқасига ўтиш даврида рўй берган чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлардир [3].

Хуллас, Ўзбекистонда мустақиллик арафасида ўзликни англаш ва диний қадриятларнинг ривожланиш жараёнини асосан қуйидаги ҳолатларда кузатиш мумкин:

- ислом динининг асосий фарзларидан бири бўлган ҳаж зиёратини амалга ошириш борасида ҳукумат даражасида кенг имкониятлар яратилиши;
- диний байрамлар ҳисобланган Рамазон ва Қурбон ҳайитларини ҳукумат даражасида эътироф этилиши ва бу кунларни республикада расмий дам олиш кунлари деб эълон қилиниши;
- Ўзбекистонда таваллуд топган ва жаҳон миқёсида буюк ислом алломалари деб эътироф этилган шахсларнинг юбилейларини давлат миқёсида кенг нишонланиши;
- республикада қатор мусулмон мамлакатлари ва ташкилотлари билан алоқаларнинг кенгайиши ҳамда расмий диний матбуотнинг пайдо бўлиши [3].

Диққатга сазовор томони шундаки, айнан мамлакат мустақилликка эришгандан кейин диний ўзликни англаш миллий ўзликни англаш билан ўзаро уйғунлашди. Бошқачасига айтганда, миллий ўзликни англашда “ўзбекчилик” ва “мусулмончилик” иборалари ўзаро уйғун тушунчалар тарзида талқин қилина бошланди. Шубҳасиз, бу ўринда Ўзбекистонда давлат органлари ва диний ташкилотлар раҳбарлари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва хайрихоҳлик қарор топди. Қолаверса, республикада ислом динига давлат миқёсида эътиборнинг ортиши ҳам унинг миллий мерос тарзида ривожланишида муҳим омил бўлди.

Инчунун, бу борада Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов «...биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз», [1] деб таъкидлаган эди.

Ўзбеклар турмуш тарзига диний ва миллий қадриятларнинг қайтиши ҳамда советлар даврида ўрнатилган “темир қафас”нинг бузилиши мамлакат ташқарисидаги исломий дунё билан мулоқот ўрнатиш имкониятини яратди. Натижада Марказий Осиёнинг бошқа мусулмон халқлари сингари ўзбеклар ҳам ислом дини фарзларидан бири бўлган ҳаж зиёратини амалга ошириш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, ислом дини тараққиётига муҳим ҳисса қўшган алломалар ҳамда Ўрта асрларда ислом маданияти маркази бўлган шаҳарларнинг юбилейлари кенг миқёсда нишонланди. Хусусан, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида ҳадисшунослик илмининг йирик вакили муҳаддис Имом ал-Бухорийнинг 1125 йиллиги (1998 й.), Баҳовуддин Нақшбанд, имом Мотуридий, Муҳаммад ал-Марғилоний (2000 й.) каби алломалар юбилейларининг нишонланиши билан бирга 2007 йили “Ислон конференцияси” ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро Ислон ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинди. Зеро, Тошкентда “Жаҳон маданияти маданий ёдгорликлари” рўйхати киритилган Усмон Қуръони ва бир қанча бошқа ноёб тарихий манба, китоблар сақланмоқда. Жумладан, ислом маданияти билан боғлиқ Барокхон, Кўкалдош мадрасалари, Қафқол Шоший, Шайх Хованд Тохур, Юнусхон, Занги ота каби ёдгорлик мажмуалари бинолари асраб-авайлаб келинмоқда [5]. ISESCO томонидан Тошкентга Ислон маданиятининг пойтахти мақомининг берилишининг асосий сабабларидан бири ҳам мана шу омил билан белгиланади.

Диний ва дунёвий қадриятлар ўртасидаги умуммиллий манфаатга мос янги нисбатни шакллантириш вазифаси Ўзбекистон халқининг ўз давлатчилигини янгитдан қуришдаги миллий

қадриятларни тиклаш ва уни мустаҳкамлаш жараёнининг моҳиятини ташкил этувчи бош элементларидан бирига айланди [4].

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 16та диний йўналишга мансуб 2220 та дан ортиқ диний ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилган. Уларнинг 2050 таси, яъни 92 фоизи мусулмон диний ташкилот ташкил этади. Республикада, шунингдек, 159та насроний диний ташкилотлари, 8та яҳудийлар ва 6та баҳойлар жамоаси, биттадан кришначилар жамияти ва буддавийлар ибодатхонаси мавжуд. Республикада диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 20 июнда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ амалга оширилади. 2003 йил 22 августдаги Қарорига мувофиқ, республикадаги 15та мажмуа, зиёратгоҳ ва макбара Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига ўтказилди.

Хуллас, ўзбек халқи аجدодларининг азалий орзуси бўлган истиқлол даврида эса мамлакатимизда бой маънавий меросимизни қайта тиклаш, қадриятларимизни асраб-авайлаш, унинг жозибаси, ўзига хослигини жаҳонга танитиш йўлида беқиёс ишлар қилинди. 130та дан ортиқ миллат ва элат, 16та диний конфессия вакиллари ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда яшаб келаётган юртимизда барча миллатларнинг маънавий юксалиши учун тенг имкониятлар яратилган. Бугунги кунда юртимизда истиқомат қилувчи турли миллат ва элат вакиллари шу юрт фарзанди, ватандошимиз бўлиш билан бирга ўз дини ва миллий анъаналарига содиқ тарзда ҳаёт кечирмоқдалар.

Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда: «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Adeeb Khalid. Making Uzbekistan: Nation, Empire, and Revolution in the Early USSR. Cornell University Press, 2015.
3. Ислом ва ҳозирги замон. Ўқув қўлланма. – Т.:ТИУ, 2009.
4. Йўлдошхўжаев Х., Қаюмова И. Ўзбекистон уламолари. – Т.: Movarounnahr, 2015.
5. Қўшаев У. Мустақил Ўзбекистонда диний маданият ва бағрикенглик анъаналари. // Социогуманитарные и медицинские вопросы современной психологии, нейрофизиологии, нейроморфологии и психолингвистики. -Прага,2014.
6. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. Canadian Social Science, 16(2), 55-59.
7. Alohunov, A. A. (2021). On The Study Of Ancient Irrigation Systems In Central Asia. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(04), 145-150.